

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Касб таълими факультети

«Химояга рухсат этилсин»

Факультет декани

_____ доц. Я.Ў.Исмадияров

«_____» _____ 2014 й.

5140900-Касб таълими (5520600-Машинасозлик технологияси, машинасозлик
ишлаб чиқариш жихозлари ва уларни автоматлаштириш)
таълим йўналиши

МТ-401 гуруҳ талабаси

ХОЛМУРАТОВ САФАРАЛИ ХОЛИЯРОВИЧ

*КХКларда дарсдан ташқари машгулотларни ташкил этиш
технологияси*
мавзусидаги

Битирув малакавий иши

_____ **Талаба С.Х.Холмуратов**

Илмий раҳбар – “Ишлаб чиқариш
технологиялари” кафедраси доценти

_____ **А.Э.Пармонов**

Такризчилар – “Касб таълими
методикси” кафедраси доценти

_____ **Р.Г.Муллахметов**

Тошкент транспорт касб-хунар коллежи
директори

_____ **А.Ў.Маҳаматов**

Химояга тавсия этилсин
“Ишлаб чиқариш технологиялари”

кафедраси мудири п.ф.н., доц.,

_____ **А.Э.Пармонов**

«_____» _____ 2014 й.

Тошкент – 2014 й.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....

Мавзунинг долзарблиги.....

И-БОБ. КҲҚЛАРИДА ДАРСДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Дарсдан ташқари машғулотларнинг вазифалари.....

1.2. Бўлажак кичик мутахассисларни тайёрлашда дарсдан ташқари
машғулотларларни бажаришнинг шакл ва воситалари.....

1.3. КҲҚларда дарсдан ташқари машғулотларни ташкил этишда техникавий
тўғаракларнинг ўрни.....

1.4. Деталларни бириктириш турлари ва резъбали бирикмаларни маҳкамлаш
усуллари.....

ИИ-БОБ. ДАРСДАН ТАШҚАРИ ИШЛАР, УЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ЎТКАЗИШНИНГ ШАКЛ, МЕТОД ВА ВОСИТАЛАРИ

2.1. Дарсдан ташқари иш усуллари.....

2.2. Дарсдан ташқари машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш
методикаси.....

2.3. Тўғаракларни ташкиллаштириш истиқболлари.....

2.4. Дарсдан ташқари ишларда амалий машғулотлар ўтказиш методи.....

2.5. Таҷриба-синов ишларининг натижалари ва таҳлили.....

ИВ-БОБ. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ ҚИСМИ.

3.1. Дарсдан ташқари машғулотларига қўйиладиган хавфсизлик талаблари.....

3.2. Амалий машғулотларни ташкил этишда меҳнат гигиенаси ва ишлаб
чиқариш санитарияси.....

Хулоса.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

Инглизча-ўзбекча луғат.....

Кириш

Ўзбекистон Республикаси босқичма-босқич бозор иқтисодиётига асосланган очик фуқаролик жамият ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлидан собитқадамлик билан бормокда. Бозор иқтисодиётига ўтилиши билан республикамызда ишлаб чиқаришнинг барча соҳалари учун рақобатбардош мутахассисларни етказиб беришга алоҳида диққат қаратила бошланди. Жамиятнинг ўз олдига қўйган мақсадини келажақда амалга оширадиганлар ёшлар, ҳозирги талабалардир. Республикамыз Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек: “Биз фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, ХХИ аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмыз”. Шунинг учун ҳам жамиятнинг келажаги қандай бўлиши кўп жиҳатдан талаба ёшларнинг интеллектуал ва ахлоқий жиҳатдан қай даражада камол топишларига боғлиқ.

Таълим соҳасидаги миллий дастурлар доирасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва эришилган қатор ижобий ўзгаришлар таълим сифат самарадорлиги ривожланиши динамикасини янада жадаллаштиришга яратилган шарт-шароитлар ва имкониятлардан самарали фойдаланишга хизмат этувчи долзарб масала бўлиб ҳисобланади.

Ёшларнинг билим олиш мотивацияларини шакллантирувчи механизмларни ва ўқитишнинг янги шакл, ноанъанавий услублари орқали уларнинг билиш жараёнларини фаоллаштириш тизимини такомиллаштириш орқали таълим-тарбия жараёни сифатини бошқариш меҳанизмларини ишлаб чиқиб амалга жорий этиш зарурати мавжуд.

Айнан мана шулар узлуксиз таълим тизимини мазмунан модернизациялашни, таълим-тарбия самарадорлигини янги сифат босқичига кўтаришга хизмат қиладиган таъсирчан чораларни кўришни тақозо қилади.

Таълимнинг устувор вазифаларидан бири, бу таълим олувчиларда миллий ва умуминсоний қадриятларни қарор топтириш, келажақда жамиятда ўз муносиб ўрнини топиши учун ҳаётий кўникмаларни шакллантириш билан талаба ёшларнинг ижтимоий иқтисодий муносабатларга фаол киришишига замин ҳозирлашдир. Шу нуқтаи назаридан, таълим-тарбия жараёнини нафақат талаба ёшларга фанлар бўйича билим бериш, балки эгаллаган билим ва малакаларини амалга татбиқ этиш, улардан ўз фаолиятида фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга йўналтириш ҳам асосий вазифалардан биридир. Бу вазифаларни амалга ошириш таълим-тарбия жараёни мазмунини модернизациялаш, таълим муассасаларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш сифатини оширишни талаб этади.

Фарзандлари соғлом мамлакатнинг келажаги буюкдир

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов ташаббуси билан 2014 йилнинг мамлакатимизда “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши жамоатчилигимиз томонидан кенг кўллаб-қувватланди.

Жорий йилнинг 19 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлом бола йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Шунини ишонч билан айтиш мумкинки, бу мустақиллигимизнинг илк кунларидан жисмонан соғлом ва маънан етук баркамол авлодни тарбиялаш устувор вазифа этиб белгиланган ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатининг мантиқий давоми бўлди. Она ва бола, Ёшлар, Баркамол авлод, Оила ва бошқа номлар билан аталган йилларда амалга оширилган ишлар халқимизнинг эзгу орзуси бўлган соғлом бола тарбиялашдек олижаноб мақсадга ҳамоҳангдир. Ҳеч шубҳасиз, ҳар биримиз фарзандларимизни соғлом ва ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг бахт-саодати, ёруғ келажагини кўришни ният қиламиз.

Ўтган даврда кенг миқёсли ва теран мазмунли улкан ишлар, мамлакатимиз ва жамиятимиз тараққиёти учун ғоят муҳим аҳамият касб этувчи вазифаларни бажаришга йўналтирилган қатор умуммиллий дастурлар, биринчи навбатда, «Соғлом она-соғлом бола» дастури амалга оширилди. Фарзандларимиз ва халқимиз бахти учун, келажакимиз учун қилинаётган бу эзгу ишлар изчиллик билан давом этиб, тобора кенгайиб бораётгани, юксак самаралар бераётгани қувонарлиқдир.

Кадрлар тайерлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастурининг амалга оширилиши самаралари мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашга қаратилаётган улкан эътиборнинг яққол тасдиғидир. Маълумки, Ўзбекистонда 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилган, унинг сифати халқаро талабларга жавоб беради. 2004 йилдан буён умумтаълим мактабларини қуриш, моддий-техник базасини яхшилаш ва жиҳозлаш учун жами 23 триллион сўмдан ортиқ, болалар мусиқа ва санъат мактабларига 2009 йилдан буён 488 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Мамлакатимизда маънавият ва маърифатни юксалтиришга, болаларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда.

“Соғлом бола йили” Давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирлар, аввало шу муҳим масалаларни ҳал қилишга қаратилган.

Жорий йилда Давлат дастурини амалга ошириш жараёнида бу ишларнинг барчаси янада юқори даражага кўтарилади. Дастурда аввало ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, мустақил фикрлай оладиган, юксак интеллектуал салоҳиятли, чуқур билимли ва замонавий дунёқарашга эга, мамлакат тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир баркамол авлодни шакллантириш, давлат ва жамиятнинг барча куч ва имкониятларини ана шу мақсадларга сафарбар этишга доир кенг миқёсли чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Дастур етти бўлим ва 125 банддан иборат бўлиб, унда болалар туғилиши, таълим-тарбияси, оилада соғлом муҳитни, унинг иқтисодий ва маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳа ривожига ажратилаётган маблағлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ барча масалалар акс этган.

Биринчи навбатда, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик ва меъерий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, янги қоида ва меъёрларни ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган.

Саккизта қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилган. “Болаларни жисмоний ва маънавий ривожига зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги “Аҳолининг санитария-эпидемиологик барқарорлиги тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», янги тахрирдаги «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш, шу жумладан, уларни тубдан таъмирлаш ва жиҳозлаш, янгиларини қуришга йўналтирилган аниқ вазифалар белгиланган. Болаларни мактабга тайёрлаш бўйича мутлақо янги дасгурларнинг ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши белгиланган бўлиб, уларда болаларнинг аклий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши кўзда тутилган.

Бошланғич синфларда ўқитиш сифатини янада кўтариш чоралари белгиланган. Жумладан, 1-4 синф ўқувчилари учун ўқув дастурлари ва дарсликларнинг қайта кўриб чиқилиши, шунингдек, ўқитувчилар учун тегишли услубий қўлланмалар ишлаб чиқилиши назарда тутилган.

2014/2015 ўқув йилида 2,6 миллион ўқувчи 575 номдаги 25 миллион нусха дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминланади.

«Миллий умумтаълим электрон кутубхона» лойиҳасининг амалга оширилиши ҳам болаларнинг интеллектуал ривожланишига кўмаклашади. Лойиҳада турли билим олишга оид ва ўқув материалларини электрон форматга ўтказиш маркази, мультимедиа ахборот ресурслари маркази, шунингдек, интеграциялашган ахборот-кутубхона тармоғи ташкил этилиши, Ўзбекистондаги барча ахборот-кутубхона муассасаларининг 2020 йилгача ушбу тармокка уланиши мўлжалланган.

Мавзунинг долзарблиги

Ҳозирги замон талабига жавоб берадиган КХКларида касб таълимининг асосий мазмуни ўсиб келаётган ёш авлодни бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардошлик талаб қиладиган ишлаб чиқаришдаги ижодий меҳнатга тайёрлашдир.

Ўқувчиларнинг яқка хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ўқитиш ва тарбиялаш методикасининг узлуксиз ва бетўхтов такомиллаштириб борилишини талаб қилади. Ўз ишида муваффақиятларга эришиш учун ўқитувчи ўз меҳнати натижаларини чуқур таҳлил қилиб бориши, ўқувчиларнинг ютуқлари ва муваффақиятсизликларига аниқ муносабат билдириши, ютуқнинг ҳам, муваффақиятсизликнинг ҳам сабабларини аниқлаши, тегишли ҳулосалар чиқариши ва шу асосида ўз фаолиятига

тузатишлар киритиши зарур. Бу фикрни илғор ўқитувчиларнинг, коллеж жамоаларининг иш тажрибаси тасдиқлайди. Шу сабабли ўқиш давридаёқ бўлғуси мутахассис ўзини тадқиқот ишларига тайёрлаб бериши керак. Бундай ишлаш кўникмалари илмий тўғаракларда шаклланади.

КХЖларида дарсдан ташқари машғулотларни ташкил этишда, касб таълими тўғарагида ишлашга шу номдаги ўқув курсини ўрганиш билан бир вақтда киришиш мумкин. Тўғаракнинг ҳар бир аъзоси учун тадқиқот мавзусини танлайди ва муаммонинг аҳволи билан танишиш бу соҳада қандай тадқиқотлар ўтказилганини билиб олиш учун ишни шу соҳага оид адабиётларни ўрганишдан бошлайди.

Дарсдан ташқари машғулотларни бирор дарснинг давоми деб тушунмаслик керак, аммо дарс билан дарсдан ташқарида ўтказиладиган машғулотлар ўзаро чамбарчас боғланган. Дарс билан дарсдан ташқарида ўтказиладиган машғулотларнинг бир-биридан фарқи шундаки, дарсдан ташқари машғулотларда ўқувчилар мустақил иш бажарадилар, шу билан бир қаторда ўқувчиларнинг талаби билан ташкил этилади. Техника бўйича дарсдан ташқари ташкил этиладиган машғулот ҳар бир ўқувчининг хоҳишига, қобилиятига ва қизиқишига мос қилиб танланади.

Дарсдан ташқари ишлар ўз ичига коллежда ва коллеждан ташқарида ўқувчиларни ўқитиш ва меҳнатга тарбиялашни умумлаштиради. Дарсдан ташқари ишлар ўқув-тарбиявий тизимнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Техника бўйича дарсдан ташқарида ўтказиладиган ишлардан кўзда тутилган мақсад ўқувчиларнинг техникавий ижодкорлигини ривожлантиришдир. Техникани ўрганишда ўқувчиларни дарсдан ташқари ишларга жалб қилиб, ўқувчиларни умумий фойдали меҳнатга тортиш, ўқувчилар билим доирасини кенгайтиради, уларнинг техник тайёргарлигини яхшилайтиди.

I-БОБ. ТЕХНОЛОГИГ ҚИСМ.

1.1. Дарсдан ташқари машғулотларнинг вазифалари

Жадал суръатлар билан ривожланаётган саноат, қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ёшларнинг умумий билими билан бир қаторда уларнинг меҳнат тайёргарлигига ҳам катта талаблар қўймоқда. Бу муҳим вазифани ҳал қилишда КХҚларида техникавий таълим ва меҳнат тарбиясини дарсда ва дарсдан ташқари ишларда тўғри йўлга қўйиш катта аҳамиятга эга.

Техникавий тўғаракларнинг, техникага бағишланган кечаларнинг мавзутикаси ўқувчиларнинг талабига асосан тузилмаслиги керак. Ҳар бир тўғарак ўқитувчиси, дарсдан ташқари ишларни ташкил этувчи ўқитувчи ўқувчилар яшайдиган шароитни ҳисобга олган ҳолда техника бўйича ишларни шундай ташкил этиши керакки, ўқувчилар келажакда ўзи яшаб турган жойда ишлаб чиқаришга қатнаша оладиган бўлсин.

Дарсдан ташқари ишларни ташкил этиш принциплари

Мутахассислик фанлари ва касб таълими ўқитувчисининг коллеждаги иши фақат дарс билан чегараланади, деб қараш бу, албатта, хато ҳисобланади. Дарс ўқув-тарбиявий ишларнинг асоси бўлсада, биргина дарснинг ўзида ўқувчиларни тарбиялаб ёки уларни меҳнатга тайёрлаб бўлмайди. Шундай экан, ўқувчиларни меҳнатга мукамал тайёрлаш учун дарсдан ташқари ишларни ташкил этиш ва ташкил этилган бу ишлар қандай принциплар асосида бўлишини ҳисобга олиш зарур.

Агар КХҚлари амалий машғулотлари дастурида айрим мавзуларни ишлаб чиқиш учун ўқув машғулотлари соатларида кам вақт ажратилганлиги ҳисобга олинса, у ҳолда кўп масалалар вақт етишмаслиги сабабли етарли даражада ёритилмаслиги аниқ бўлиб қолади, чунки буюм ясашга доир технологиг карталар тузиш, материал танлаш, асбоблар танлаш, иш куроллари танлаш, буюмни пардозлаш учун икки соат албатта етарли бўлмайди.

Ўқувчиларнинг синчков ақли ҳамма бу масалаларнинг ижобий ҳал этилишини талаб қилганлиги сабабли ўқитувчи олдида ўқувчиларнинг қизиқишларини қондириш йўлини топиш муаммоси туради. Дарсдан ташқари ишларни ташкил этиш принципларидан яна биттаси ўқувчи шахсини янада тўлиқ аниқлашга ва унинг талабларини қондиришга имкон беради. Техникавий меҳнат машғулотларининг бу хили ўқувчиларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялайди, ўқувчилар жамоасини жипслаштиради, ўқувчилар ташаббусини уйғотади ва улардаги ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўқувчиларнинг дарсдан ташқари ишлари таълим ва тарбия принциплари асосида ташкил этилади. Шу билан бир қаторда турли хил ишларни ташкил этишнинг махсус принциплари ҳам бор бўлиб, буларга қуйидагиларни киритиш мумкин.

1. Ҳар қайси ўқувчи техникавий тўғарак турини ўз қизиқишига қараб

ихтиёрий танлаши.

2. Техникавий тўғараклар ижтимоий-фойдали йўналишда бўлиши.

3. Техникавий тўғараклар фаолияти мустақиллик имконини берадиган характерда бўлиши.

4. Техникавий тўғаракларда қатнашишни хоҳловчи ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ва қизиқишларини ҳисобга олиш.

5. Техникавий ижодкорликка оид дарсдан ташқари ишлар КХК ўқув-тарбия вазифаларига бўйсундирилиши.

1.2. Бўлажак кичик мутахассисларни тайёрлашда дарсдан ташқари машғулотларларни бажаришнинг шакл ва воситалари

Ўрта махсус таълим тизимида кичик мутахассислар тайёрлаш босқичма-босқич маъруза, амалий, лаборатория, семинар машғулотларида, ишлаб чиқариш амалиётида ҳамда битирув малакавий ишини бажариш каби бир қатор ўқув фаолиятлари асосида амалга ошади. Бўлажак кичик мутахассислар касбий тайёрлигига қўйилган малака тавсифномасида кўпроқ мазмунни ўзлаштиришга қаратилган бўлса, ҳозирги ишлаб чиқилган Давлат таълим стандартларида ўқувчини малакасига қўйилаётган талабларнинг 45 фоиздан кўпроғи мустақил ишларга, мустақил фикрлашга, қарор қабул қилиш, ўз-ўзини назоратини ташкил этиш, ўз фаолиятини ўзи баҳолаш, ташҳис қилиш ва моделлаштириш тамойилларининг асосига курилади.

Бўлажак кичик мутахассислар тайёрлашда мустақил ишларни бажаришнинг энг мақбул шакллари танлаш, улардан фойдаланишнинг адекват усуллари қўллаш ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришда, уларнинг амалий фаолият жараёнида мустақил, ижодий топшириқларни самарали бажаришларига олиб келади.

Бўлажак кичик мутахассислар тайёрлашда кўпроқ амалий ҳамда лаборатория машғулотларига эътибор берилганлиги сабабли амалий машғулотларни ўтказишда фойдаланиладиган қуйидаги метод ва шакллар ўрганилди. Бўлажак кичик мутахассисларни тайёрлашда амалий ва лаборатория машғулотларини ташкил этишда ўрганилган методлар:

- технологик топшириқларни бажариш;
- умумлаштирувчи техник-схемаларни моделлаштириш;
- керакли маълумотларни топиш;
- мустақил (қўшимча) билим олиш.

Лаборатория машғулотларининг асосий моҳияти шундаки, унда ўқувчилар мустақил равишда мавзуга оид турли топшириқларни бажарадилар ёки тажриба ўтказадилар.

Амалий машғулот ўтказиш шакллари: топшириқлар бажариш, техник-схемалар билан ишлаш, ўқитувчилар билан баҳс-мунозараларда иштирок этиш.

Амалий ва лаборатория ишларида ўқувчиларнинг асосий иш фаолияти технологик машқлар ҳисобланади.

Технологик машқлар амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш мақсадида муайян ҳатти-ҳаракатларни кўп марта

такрорлашдан иборат. Ишлаб чиқариш таълимида машқларни бажаришда асосан қуйидаги талаблар қўйилади: технологик машқларни ўқувчилар онгли ва мақсадга мувофиқ йўсинда бажаришлари; машқда ишлаб чиқариш методикасига асосланиши, машқлар тизимли, изчил, узлуксиз бўлиши ҳамда такрорланиши; ўқувчилар мустақил ишлаши ва малакаси мунтазам ривожланиб бориши керак.

Технологик машқларга таълим методи сифатида қатор дидактик талаблар қўйилади:

- технологик машқлар ўқувчиларнинг онгли фаолиятига асосланади. амалий кўникма ва малакаларни ҳосил қилишда онг муҳим ўрин тутди;

- технологик машқлар ва уларнинг элементлари осондан мураккабга борадиган тартибда жойлаштирилади. Турли меҳнат жараёнларида бир хил элемент усуллари, айнан ўхшаш ҳаракатлар кўп учрайди, аммо жараёнларнинг ўзи бир оз қийинлиги бўйича фарқ қилади;

- технологик машқларни бажариш вақтида ўқувчилар ўз меҳнат ҳаракатларини назорат қилишлари керак. Бунда дастлабки тайёргарликнинг тўғрилигига катта аҳамият берилади.

Технологик машқлар бажариш жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти ҳамда зарур воситалар

Ўқитувчи фаолияти	Воситалар	Ўқувчи фаолияти	Воситалар
Технологик машқ бажариш тартибини кўрсатиб бериш, тушунтириш, савол-жавоб, раҳбарлик, назорат	– масалалар; – технологик топшириқлар; – тестлар; – асбоблар; – станоклар; – жиҳозлар; – материаллар; – компьютер; – уйга вазифа.	Кузатиш, тушуниш, технологик машқ бажариш, такрорлаш, ўзлаштириш, сўзлаш, савол-жавоб, ёзиш, чизиш, ҳисоблаш, ҳаракатларни бажариш, уй вазифасини бажариш, фикрлаш ва бошқалар.	– диққат – тафаккур – хотира – асбоблар – материаллар – машқ дафтари ва бошқалар.

Технологик машқлар бажариш ўзлаштирилган билимларни мустақамлайдиган ўқув жараёни ҳисобланади. Бу машқлар ҳар бир умумкасбий ва ихтисослик фанларида ўзига хос мазмунга эга бўлади. Технологик машқлар бажариш жараёнида ўқувчи фаол иш-ҳаракатини бажаради ва бунда унинг барча сезги аъзолари иштирок этади. Унинг эслаб қолиш даражаси ортиши учун педагогик имкониятлар янада кенгаяди. Технологик машқлар бажариш жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти ҳамда зарур воситалар жадвалда келтирилган.

Технологик машқлар турлари: ўқиш, ёзиш, сўзлаш, фикрлаш, ҳисоблаш, амалий ҳаракатлар бажариш, қуриш–яшаш, бўйлаш, мусиқа чалиш, мисол-масала ва тестлар ечиш, компьютерда ишлаш, асбоблар, дастгоҳлар, бошқа

техника воситалари билан далада, фермада, қурилишда ишлаш, уй-рўзғор ишларини бажариш ва спорт машқлари, ишбилармонлик ўйинлари, мусобақа, кўрик танловларда иштирок этиш.

Кичик мутахассисларни тайёрлашда аудиторияда ва аудиториядан ташқарида мустақил таълим олишнинг самарали шакл ва методлари танлаш ҳамда улардан фойдаланишда таълим воситаларини қўллаш мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўқувчиларнинг дарсдан ташқари ишларини ташкил этиш шакллари

Касб таълимидан дарсдан ташқари ишларни ташкил этиш шакллари кўриб чиқадиган бўлсак, ўқувчиларнинг билимини ошириш ва мустаҳкамлаш мақсадида тўғаракларда олиб бориладиган машғулотларни, олимпиадалар, конкурслар ўтказиш, техника тараққиёти тарихига бағишлаб қизиқарли кечалар ўтказиш, техникавий меҳнат ёки амалий машғулотларнинг дастур мавзуларига бағишлаб ишлаб чиқаришга экскурсиялар ўтказиш, техникага бағишланган деворий газеталар чиқариш, ишлаб чиқариш корхоналарида ёки техника тараққиёти ва унинг халқ хўжалигидаги аҳамияти ҳақида маъруза ва суҳбатлар ўтказиш, бошқа фанлар учун ўқувчилардан кўргазмали куруллар яратиш ва шунга ўхшашларни асосий ташкилий шакллар деб тушунилади.

Дарсдан ташқари ўтказиладиган тадбирлар шаклининг бу рўйхати коллеж иш амалиётида қисман бўлсада қўлланилса, ишонч билан айтиш мумкинки, меҳнат ўқитувчисининг иши болалар жамоасини ташкил қилишга, ўқувчиларнинг касб таълимига қизиқишини оширишга, шунингдек, ўқувчиларнинг бўлажак меҳнат фаолиятига, касб танлашига ёрдам беради.

Техник тўғараклар дарсдан ташқари ишларнинг асосий шакли ҳисобланади.

1.3. КХКларда дарсдан ташқари машғулотларни ташкил этишда техникавий тўғаракларнинг ўрни

Техникавий ижодкорлик ишлари дарсдан ташқари тўғарак машғулотларида амалга оширилади. Тўғарак машғулотлари узоқ вақт давом этиши ва тизимлилиги билан характерланади. Тўғарак машғулотларининг асосий мақсади-ўқувчиларни техника ва меҳнатни севишга ўргатиш, техникавий ижодкорлигини ошириш, уларнинг иш фаолиятларида рационализаторлик қобилиятларини шакллантириш, меҳнатга нисбатан ҳурмат руҳда тарбиялаш ва уларни меҳнатга тайёрлашдир.

Касб таълими тўғараклари турли хил бўлиши мумкин. Тўғарак тури, унинг мавзуси ўқув-тарбия масалаларини ечишга қаратилганлиги билан характерланади.

КХКларида касб таълими бўйича ўқувчиларнинг ижодкорлигини оширишга қаратилган қуйидаги тўғаракларни ташкил этиш ва уларни ўтказиш мумкин.

1. Физика, химия, чизмачилик, электротехника, радиотехника тўғараклари ва шунга ўхшашлар. Кўпинча бундай тўғаракларни предмет тўғараклари деб юритилади.

2. Ижодий қобилиятни ошириш, яъни конструкторлик тўғараклари: буларга рационализаторлик тўғараги, радио-электротехника, телемеханика, автоматлаштириш, моделлаштириш тўғараклари киради.

3. Ўқув тўғараклари (радиотехниклар, дурадгорлар, слесарлар, токарлар, пайвандчилар, электромонтажчилар тайёрлайдиган тўғараклар).

Ижодий тўғаракларининг мақсади фанлардан олган билимларни мустаҳкамлаш, кўргазмали ўқув куроллари, мосламалар яшаш ва шулар асосида ўқувчиларнинг техникавий қобилиятларини оширишга қаратилган.

Тўғарак аъзолари техника тараққиётига бағишланган маърузалар тайёрлаши, рефератлар ёзиши, турли хил тажрибалар ўтказиши, кўргазмали ўқув куроллари тайёрлашлари мумкин. Тўғаракларнинг мазмунини шароитни ҳисобга олиб тузиш керак. Тўғарак мавзулари тўғарак раҳбари томонидан ишлаб чиқилади ва тузилади, аммо мавзулар тузганда тўғарак аъзоларининг талаблари ҳам ҳисобга олиниши керак.

Ўқув тўғаракларини ташкил этишда шу предметга қизиққан ўқувчилар танлаб олинади.

Ўқувчилардан дастлаб тўғарак аъзолиги учун номзодлар танлаб олинади, кейин эса улардан шу фанни севадиганлари, фаол иштирок этадиганлари ва қизиқадиганлари ҳақиқий тўғарак аъзолари қилиб олинади. Ўқувчилардан биттаси тўғаракка сардор қилиб тайинланади. Сардор тўғаракда фойдаланиладиган материаллар, асбоблар, мосламаларга жавобгар шахс ҳисобланади.

Тўғарак машғулоти ҳар ҳафтада бир марта 2 соат давомида ўтказилади. Машғулогнинг учдан икки қисми амалий ишдан иборат бўлади; қолган вақт ўқувчиларнинг маъруза ўқишига, савол-жавобларга сарфланади.

Тўғарак аъзолари ўқув кўргазмалари яшашдан олдин кўргазма жойлаштириладиган жойни белгилашлари, унинг қандай материаллардан тайёрланишини аниқлашлари, кўргазма деталларининг технологик карталарини тузиб, техникавий ҳисоблашлар бажаришлари керак. Ҳар бир тайёрланадиган буюм олдин тўғарак аъзолари томонидан муҳокама қилинади. Ўқувчиларнинг фикрлари умумлаштирилади. Шундан сўнг яшаш ишларини бошлаб юбориб, қўйилган мақсадга муваффақиятли эришиш мумкин.

Тўғарак ишида ўқувчиларнинг ишини фақат тўғарак раҳбари баҳоламасдан, балки тўғарак аъзолари ҳам баҳолашда қатнашадилар. Баҳолашда ўқувчиларнинг қатнашиши уларда жамоа олдида масъулиятни тарбиялаш билан бир қаторда, улардан ҳар бирининг ўзи кўпроқ билишга, ўрганишга ва яшашга актив қатнашишини мақсад қилиб қўяди. Ўқувчилар ўртоқлари тайёрлаган буюмларни текшириб кўрадилар, уларнинг қандай мақсадлар, учун мўлжалланганлигини аниқлайдилар. Ясалган буюмларни йиғиб йил охирида кўргазма ташкил этилади. Тўғарак ишларига яқин ясалгандан кейин энг яхши ўқувчилар аниқланади. Бу ўқувчилар техникавий

меҳнат олимпиадаларига, конкурсларга, кечаларга қатнашиш учун тавсия этилади.

Бу тўғараклар ўз мазмуни ва характериға кўра бир неча турдан иборат бўлиши мумкин;

а) ўқув фанларига оид кўрсатма куроллар, ўқув асбобларини лойиҳалаш ва тайёрлашға оид тўғараклар;

б) турли машиналарнинг ҳаракатланувчи моделларни лойиҳалаш ва ясашға оид тўғараклар;

в) ёш рационализатор ва ихтирочилар тўғараклари.

Ўқувчиларнинг бундай тўғаракларда қатнашишлари уларнинг техникавий фикрлаш ва ижодий конструкторлик қобилиятларини ривожлантириш, илмий-техникавий билимлари, меҳнат, кўникма ва малакаларини чуқурлаштириш, рационализаторлик фаолиятини таркиб топтиришға ёрдам беради. Тўғараклардаги машғулотлар давомида тўғарак аъзолари халқ хўжалигининг қатор тармоқлари билан, уларнинг ишлаб чиқариш характери, янги техника ва илғор технологияси билан танишадилар. Тўғарак аъзолари фақат ҳар хил машиналар, аппаратларнинг тузилиши ва ишлаш принципларини ўрганиб қолмай, балки уларни бошқариш ва техникавий хизмат кўрсатиш томонларини ҳам эгаллайдилар. Бундай тайёргарлик тўғарак аъзоларининг келажакда касб танлашларида муҳим аҳамият касб этадиган даражаларға яқинлаштиради.

1.4. Деталларни бириктириш турлари ва резъбали бирикмаларни маҳкамлаш усуллари

Машина деталлари бирикмалари

Машиналар ва ҳар хил механизм, маҳсулотлар, приборлар, бирикмаларда узеллар, йиғув бирлиги, агрегатлардан тузилган бўлади. Улар ўз навбатида тегишли деталлардан тузилган. Машина деталларини йиғиш усуллари жуда кўп бўлиб, уларни бир-бириға аниқ йиғиш катта аҳамиятға эға. Ишончлилик, ресурс, рақобатбардошлик, эксплуатация муҳитида шовқиндан озод бўлиш кўпинча технологик операцияни тўғри тузилганлиги ва режимларни танланганлигига боғлиқдир.

Лекин ҳамма мавжуд бўлган бирикмаларни иккита катта гуруҳға – ажралмайдиган ва ажраладиган, улар эса ўз навбатида қўзғалувчан ва қўзғалмас бўлиши мумкин.

(1-жадвал).

Бирикмалар таснифи.

1-жадвал

конструктив хусусиятлар	ажралмайдиган	қўзғалувчан
	қўзғалмас	


технологик хусусиятлар	пайвандланадига н қалайланадиган клеяланадиган закидкали вальцовкали прессланадиган	валецлана диган
конструктив хусусиятлар	ажраладиган	
	қўзғалмас	қўзғалувча н
технологик хусусиятлар	резбали клинли шпонкали шлицали (тишли) цилиндрик конусли профилли	резбали шпонкали шлицали (тишли) цилиндрик профилли

Ажраладиган бирикмаларни кўп марталаб деталларга ажратиб яна бошқатдан деталларга шикаст етказмасдан йиғиш мумкин. Ажраладиган бирикмаларни деталларга ажратиш бириктириладиган элементларни бузмасдан туриб бажариш мумкин эмас.

Қўзғалувчан бирикмаларда машиналар эксплуатацияси жараёнида бир детални иккинчи деталга нисбатан ҳолати ўзгаради ва қўзғалмас бирикмаларда эса деталларни жойланиши ўзгармас бўлиб қолади. Бундай бирикмалар эксплуатация жараёнида куч, кучланиш, моментларни узатиш учун қўлланилади.

Деталларни бириктириш турлари ва резбали бирикмаларни маҳкамлаш усуллари

Резбали бирикмаларни ҳосил қилиш учун, асосан, болтлар, винтлар, шпилкалар, гайка ва шайбалар ишлатилади. Бу деталларнинг ҳаммаси стандартлаштирилган бўлиб, сотиб олинладиган маҳсулот ҳисобланади, чунки улар ишлаб чиқариш заводларида кўп миқдорда тайёрланади. Бириктирувчи деталларнинг шакли жихатидан тузилиши ва унинг ўлчамлари ҳар хил бўлиб маълумотномаларда келтирилган. Болтли бирикма билан (1-а расм) иккита ва ундан ортиқ нисбатан катта қалинликка эга бўлмаган деталларни болт ва гайка билан бириктиришни кўзда тутилган. Қўзғалмас бирикма бўлиши учун, улардан биттаси катта қалинликка эга бўлиши керак (редуктор корпуси, станок станинаси ва бошқалар), бундай ҳолатдаги деталларни бириктириш учун болт билан гайкани ишлатиш мумкин эмас ёки ўйламасдан танланган усул ҳисобланади.




1-расм.

Бундай ҳолларда винтли бирикмани винтлар ёрдамида (1- б расм) ёки шпилка билан гайкани (1-в расм) танлаш лозим. Иш жараёнида детални олиш ва қўйиш тез-тез такрорланадиган бўлса, шпилкали бирикмани қўллаш маъқул бўлади. Одатда, бундай ҳолларда винтли бирикмани ишлатиш тавсия этилмайди, чунки жараёнининг тез-тез такрорланиши резьбани шикастланишига олиб келади. Маълумки, шайбалар гайка ёки винт каллагининг тагига жойлаштирилади, бундан асосий мақсад: детал сиртларини гайка билан суриб тортиш натижасида шикастланишидан сақлаш, детални эзилишини камайитириш ва бирикма орасидаги бўшлиқни бартараф этишдан иборатдир.

Оддий шайбалардан ташқари маҳкамлайдиган тўсиқ ёки сақлагич шайбалар ҳам ишлатилади. Бундай шайбалар бирикмаларни ўз-ўзидан бўшаб кетишидан сақлайди. Бириктирувчи резьбалар ўз-ўзидан бўшаб кетиши мутлақо мумкин эмас, чунки, бирикманинг мустаҳкамлиги йўқолиб, авария ҳолатига олиб келиши мумкин. Ўз-ўзидан бўшаб кетишнинг олдини олиш, бўшашдан химоя қилиш бирикмаларнинг иш жараёнида ишончини оширади ва тебранишда ўзгарувчан ва зарбли юкланишларда мутлақо зарур деб ҳисобланади. Тебраниш ишқаланишни камайтиради ва резьбани ўз-ўзини тўхтатиш шартини бузади. Бу тўла ҳолатда авиасозлик ва автомобилсозлик соҳаларига мос келади.

Тўсиқ воситалари орқали маҳкамлашнинг тўртта холини кўриб чиқамиз.

1. Резьбанинг ишқаланишини контур гайка ёрдамида ошириш (2-а расм) ёки назорат винти ва қирқилган гайкани қўллаш (2-б расм). Бу гайканинг ён ёғи қирқилган бўлиб, назорат винти уни эластик холида сиқиб боради, натижада гайка ўрамлари болт ўрамларига қўшимча куч билан сиқилиб, ёндошади. Резьбанинг ишқаланишини кўпайтиришнинг бошқа усули махсус босувчи винтлар ёрдамида резьбани тигизли қилиб жойлаштиришдир.



2-расм.

2. Гайка ёки винт каллаги билан корпусни ўзаро фиксация қилиш. Пружинали шайбанинг (бв-расм) ўткир қирралари гайка билан корпус сиртларига ботиб, ўз-ўзидан буралиб кетишига тўсиқ бўлади. Энг ишончли усулларида бири махсус шаклга эга бўлган планка (бг-расм) ёки тўсиқ хосил қилувчи шайба (б д-расм) хисобланади. Бу шайбанинг бир томони гайка ён ёқларига, иккинчи томони эса корпус қиррасига букилади.

3. Гайка ва болтларни ўзаро фиксация қилиш энг кўп тарқалган усул хисобланади. Бу, асосан, гайка ва болтни шплинтлашдан иборат. Бунинг учун гайканинг ёндош томонида қирқилган ариқчалар бўлиб, болт стерженида эса, симнинг ёки штифтнинг диаметрига мос келган тешикча очилган бўлади (тешикча диаметри сим ёки штифт диаметридан бир оз каттароқ бўлиши керак). Гайка сириб тортилгандан сўнг, гайка ариқчаси билан болтдаги тешик мослаштирилиб, сим ёки шплинт жойлаштирилиб, махкамлаб қўйилади (2-е расм). Думалоқ шаклдаги ён ёқларида калит жойлаштириш учун ариқчалари бўлган гайкалар ишлатилганда, уларни махкамлаш учун кўп ботикли планкасимон шайбалар (2-ж расм) қўлланилади, болтда эса, ўқи бўйлаб йўналган ариқчалар бўлади. Мана шу ариқчага шайбани ички чизиғи киради, гайка сириб тортилгандан сўнг, шайбанинг ташқи чизиқларидан бири гайка йўлагига қайириб қўйилади.

4. Бир нечта гайка ёки винт каллагини махкамлаш. Бундай усулда махкамлаш гуруҳ ҳолатидаги бирикмаларда бўлиб, бириктирувчи деталар бир-биридан катта бўлмаган масофада жойлашган бўлади. Буларни ўзаро махкамлаш учун, умумий тўсиқловчи қирралари қайиладиган шайба ёки болт каллагига тешикчалар орқали ўтказилган юмшоқ симлар ишлатилади (бз-расм).

II-БОБ. ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ ВА МЕТОДИКА ҚИСМИ.

2.1. Дарсдан ташқари иш усуллари

Педагогик адабиётда ёки тарбивий иш тажрибасида тарбия беришни ёълга қоъйиш усуллари куйидагича ажартиш енг коъп таркалган.

1. Ялпи ёки ҳамма оъкувчилар билан иш олиб бориш;
2. Якка тартибда иш олиб бориш;
3. Гуруҳларга боълиб иш олиб бориш ёки тоъгарак ишлари.

Бу иш шакллари нинг ҳаммаси, одатда синф раҳбарлари режасида оъз аксини топади. Дарсдан ташқари тарбиявий иш усуллари нинг куйидагича турлари ҳам мавжуд:

1. **Оъзаки иш усуллари** (сиёсий ахборотлар, мажлислар, лексиялар, докладлар, китобхонлар конференсиялари, дастурлар, учрашувлар, радио журналлар).

2. **Амалий иш олиб бориш усуллари.** Саёхат, спартакиадалар, олимпиада, мусобақалар, тоъгараklar, Шунингдек шанбалиklar.

3. **Коъргазмали иш олиб бориш усуллари.** Коллеж музейлари, уруш ва меҳнат қахрамонлари музейлари, бадий ижод коъргазмалари, янги китоблар коъргазмалари ва бошқалар. Гуруҳ раҳбари оъз фаолиятида гуруҳ билан ялпи ишни ҳамма оъкувчилар билан бир вақтни оъзида амалга оширади. Базан тарбиявий ишни ташкил етишни бу усули «гуруҳ раҳбари соати», «тарбиявий соат» ёки «маънавий соати» деб аталади.

Гуруҳ билан ялписига олиб бориладиган тадбирлар, одатда ойига икки уч марта, базан еса ҳафтада бир маротаба оътказилади. Ҳар бир гуруҳдан ташқари оътказиладиган тарбиявий иш оъз олдида маълум мақсад қоъймоғи лозим.

1) Оътказиладиган дарсдан ташқари иш таълим тарбия бирлигига асосланмоғи лозим.

2) Гуруҳ раҳбари дарсдан ташқари ишларни олдиндан режалаштириб, оъз олдида аниқ мақсад қоъйган ҳолда ташкил қилмоғи лозим.

3) Дарсдан ташқари ишларни тарбия ишига ҳар томонлама ёндашган ҳолда олиб бориши керак. Ҳозирги замон педагогикаси оъкувчиларни тарбиялашда синф раҳбари олдида куйидаги педагогик талабларни қоъяди.

1. Оъкувчиларда мустақил дунёқараш куртаклари ва ижтимоий активликни таркиб топтириш. Бунинг учун куйидаги ишлар амалга оширилиши лозим:

А) оъкувчиларда табиатдаги оъзгаришларнинг сабабларини тушуна билишни тарбиялаш;

Б) мустақилликдан кейинги йиллардаги оъзгаришларга нисбатан оъз мустақил фикрини билдира олишга оъргатиш;

В) оъкувчиларга Республикамизда ва чет елларда боълаётган ижтимоий-сиёсий воқеаларга қизиқишни шакллантириш;

Г) ёрдамга муҳтож кишиларга, кексаларга ёрдам коърсатиш ҳислатларини тарбиялаш.

2. Ижтимоий фойдали ишга, меҳнатга, халқ- мулкига нисбатан ҳурмат еътиборни тарбиялаш.

Бунинг учун қуйидаги ишлар амалга оширилиши:

А) атрофдаги кишиларнинг меҳнати билан таништириш;

Б) оёз қишлоғидаги ёки шаҳридаги турли касбдаги меҳнаткашлар фаолиятининг ижтимоий аҳамияти ҳақида тасаввурни ҳосил қилиш;

В) болаларда коллеж ва ундан ташқаридаги ижтимоий ҳаётда, меҳнатда фаол қатнашиш истагини тарбиялаш;

Г) Оёз меҳнати билан оёзгаларга фойда келтириш иштиёқини умумфойдаси учун ҳар қандай ишни бажаришда жавобгарликни ҳис қилишни тарбиялаш;

Д) жамоа меҳнатида иштирок етишни истамайдиган оёқувчиларга нисбатан салбий муносабатни тарбиялаш зарур.

3. Мустаҳкам ахлоқ ва ҳуққ маданиятини тарбиялаш.

Бй тарбия жараёнида оёқувчиларда қуйидаги ижобий ҳислатларни шакллантириш мумкин:

А) кишилар фаолиятидаги яхшилик ва ёмонликни фарқлай билишни оёргатиш;

Б) ҳақ ишни ҳимоя қилишга тайёр боёлиш малакаларини шакллантириш;

В) оёз соёзи, ваёдасини ҳар доим бажаришга одатлантирилиб бориш;

Г) оёз жамоасига ғамхоёрлик қилиш, бошқаларга ёрдам беришга ошиқишни тарбиялаш;

Д) камтар, вазмин, интизомли, озода, тартибли боёлиш ҳислатларини тарбиялаш;

Е) ахлоқ маданияти қоидаларини бажариш, сахийлик, ҳушмуомалалик, ота-ота, устоз ва доёстларини севиш ва ҳурмат қилишга одатлантириш;

Ж) доим тоёғри гапириш, қари, касал, майиб кишиларга ва ёш болаларга ғамхоёрлик қилиш ҳислатларини тарбиялаш;

З) жасур, чидамли, меҳнатсевар боёлишга интилишни тарбиялаш;

И) Жамоа интизомини бузувчилар билан чиқишмаслик ва уларга оёз таёсирини оётказиш ҳаракетларини шакллантириш. Оёқувчиларда мустақил дунёқараш ва ижтимоий активликни таркиб топтириш учун саёҳатларга бориш усулларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу вазифани амалга ошириш учун оёқувчилар билан завод ва фабрикаларга, далаларга, боғларга, она табиатга саёҳатлар уюштириш яхши натижа берди. Саёҳатга чиқишга олдиндан режа тузилади. Режада, оёқувчилар қаерга боради, нималарнаи томоша қилади, кимлар билан учрашади, оёқувчиларга нималар ҳақида ҳикоялар қилиб бериши коёрсатилади ва режа асосида иш олиб борилади. Болаларда ахлоқ ва ҳуққ маданиятини тарбиялаш учун ерталиклар уюштириш, турли байрамларни жамоа боёлиб нишонлаш, оёқувчиларга тарбиявий таёсир етишининг энг яхши усулидир.

Болалар байрамларни яхши коърадилар, унга қувонч билан тайёрланадилар ва сабрсизлик билан кутадилар.

Турли байрамлар оқувчиларни ижтимоий ва сиёсий билимларни оширишга, уларда юксак ахлоқий сифатларни тарбиялашга ёрдам беради.

Масалан, 8-декабр Конституция кунига атаб ертаклик ташкил қилиш, оқувчиларни сиёсий билимларини ошириш, ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашнинг муҳим омилдир.

Шундай қилиб, синф раҳбарининг диққат еътибори:

Коллежда олиб бориладиган таълим тарбиявий ишларнинг ҳамма шакл ва методларни синфдан ташқари олиб бориладиган ишларни мақсади, оқувчиларни ахлоқ руҳида тарбиялаш, мустақил дунёқарашни шакллантириш, келажакка етук кишиларни тарбиялашдан иборат боълмоғи лозим.

2.2. Дарсдан ташқари машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш методикаси

Касбга мослаштириш ишлари тизимли равишда изчил такомиллаштириб бориладиган ўқувчи келажакда мукамал касб эгаси бўлишига эришилади. Бу мақсадда ишлаб чиқилган "Ганчкорлик", "Тикувчилик", "Ёш хунарманд", "Наққошлик", "Электротехника", "Ёш дурадгор" тўғаракларининг ўқув режа ва дастурлари ўқувчиларнинг умумий ўрта таълим муассасидаги дарсдан ташқари даврини қамраб олган ҳолда умумтаълим фанлари билан узвий алоқадорликда амалга оширилиши, назарий ва амалий билимларининг таълим стандартлари даражасига тўла жавоб бера оладиган битирувчилар тайёрлаш имконини беради.

Ўқувчиларни касбга мослаштиришнинг ишлаб чиқилган технологияси ҳамда тўғараклар ўқув дастурларини амалиётга тадбиқ этишнинг энг самарали ечими сифатида касбга мослаштириш ишларини ташкил қилишда дарсдан ташқари машғулотлар мазмунини танлашнинг ташкилий-педагогик мезонлари ишлаб чиқилди. Ушбу мезонларда ўқувчига тушунча берилаётган касбнинг турлари ва номлари бўйича реал мавжуд касбларнинг ми³дорига нисбатан оптимал муносабатни сақлаш, касб танлаш ишида маҳаллий ва минтақавий эҳтиёжлар асосида касбга мослаштиришнинг устуворлиги, бўлажак касб тури билан боғлиқ фаолиятнинг мазмуни ва тузилмасини асослаш, ўқувчининг ўзи мослаштирилаётган касб объектларининг хусусиятлари тўғрисида маълумотга эга бўлишлиги каби ҳолатлар ўз аксини топган .

Дарсдан ташқари машғулотларни ташкил қилишда ўқувчилар умумий ўрта таълим ўқув дастури билан узвий боғлиқ равишда касбга мослаштиришга оид тушунчаларни узлуксиз эгаллаб бордилар. Тўғараклар учун ишлаб чиқилган дастурларни амалга ошириш мураккаб педагогик-психологик ҳамда ташкилий жараёнларни ўз ичига олганлиги сабабли, тадқиқот ишида ўқувчилар қабул қилиши лозим бўлган барча ахборотлар оқимини гуруҳлар бўйича тизимлаштириб чиқилди. Бунда ўқувчиларни касбга мослаштириш ишларини ахборот билан таъминлаш тузилмасини

таҳлил қилиш асосида ўқувчиларнинг умумий ўрта таълим ўқув дастури асосида дарс жараёнида танишиши мумкин бўлган танлаган касби ва у тўғрисидаги ахборотлар жамланди ҳамда тизимлаштирилди.

Амалга оширилган тажриба-синов ишлари натижасида ўқувчиларни дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида касбга мослаштиришнинг тавсия этилаётган педагогик технологиясини таълим муносабатлар жорий этилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки 70-75 фоиз 9-дарс ўқувчилари мактабни битиргач, касб-хунарларга ўқишни давом эттиришга хоҳишлигини билдирдилар. Чунки уларга Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурнинг асосий мазмуни ўрта махсус ва касб-хунар таълимини жорий этишга асосланган ислохотлар ҳисобланади. Ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳаси республикамиз узлуксиз таълим тизимининг долзарб бўғини ҳисобланади. Шу сабабли ҳам баркамол шахсни тарбиялаб етиштиришга айнан шу даврда берилган таълим муҳим ўрин тутди. Шахсни жамиятда ижтимоий фойдали инсон бўлиб, шаклланишида катта аҳамият касб этади. Айниқса, касб-хунар коллежлари бугунги кун талабларига, иқтисодий ислохотлар эҳтиёжларига жавоб бериши билан аҳамиятлидир.

2.3. Тўғаракларни ташкиллаштириш истиқболлари

Касб-хунар коллежида ўқувчиларни улар танлаган ихтисос бўйича ўқитиш учун моддий база бўлмаса, ўқувчиларни корхонадаги ўқув цехларида ва махсус ажратилган участкаларда ўқитиш формасидан фойдаланиш мумкин. Бу форма ўқувчиларни ўқув устахоналарида ўқитиш формасига ўхшайди, фарқ шундаки корхонада ўқувчиларга корхона ходими асосий вазифадан озод қилинган инструктор раҳбарлик қилади. Бундан ташқари иш объектлари сифатида корхона цехларнинг буюртмалари ҳам бажарилади. Бу эса ўқувчиларни айти корхонанинг унумли меҳнатига ёндоштириш учун энг маъқул тадбирдир. Бироқ бунда кириш инструктажи, жорий ва якуний инструктаж ўтказиш учун зарур шароитнинг бўлмаслиги, ўқитиш формасининг самарадорлигини камайтиради.

Нихоят, дарсдан ташқари машғулотлар уюштиришнинг сўнгги шакли техник ижрочилик тўғаракларидир. Дарсдан ташқари машғулотларнинг ташкилий формаларини ўрганишга киришишдан аввал ишдаги бу босқичнинг ўқувчилар профессионал маҳоратини ўстиришдаги аҳамиятини аниқлаб олиш керак. Гап шундаки, ўқувчиларнинг дарсларда оладиган билим, ўқув ва малакалари фақат программада белгиланган минимумдан иборат бўлади. Ҳолбуки, кўпчилик ўқувчилар замонавий техникага қизиқадилар. Шу сабабли уларнинг турли техника тўғаракларда қатнашувлари техникага доир билимларини ўз қизиқиш ва қобилиятларига мувофиқ равишда ривожлантиришга имкон беради. Худди шу техника тўғаракларида айрим ўқувчиларнинг моҳирлиги конструкторлик ва техник ижодчилиги намоён бўлади.

Шундай қилиб, ўқувчиларнинг техник ижодчилик тўғаракларида жиддий шуғулланиши ўзлари танлаган хунарни муваффақиятлироқ ва

сифатлироқ эгаллашга ёрдам этади. Техника тўғараклари “Моҳир қўллар,, (“қўли гуллар”), “Авиомоделчилар”, “Кемамоделчилар” конструктор ва бошқа номлар билан ташкил этилиши мумкин. Бу тўғаракларнинг ташкилотчилари ва раҳбарлари, ишлаб чиқариш мастерлар ва ўқитувчилар бўлиши мумкин. Бунда тўғаракларга кимларни ёзиш ишни қандай ташкил этиш, тўғарак ишларининг натижаларини қандай ташвиқот ташкил кераклигини алоҳида эслатиб ўтишимиз лозим. Фақат тўғарак ишларини ташвиқот қилишнинг энг маъқуллари (кўргазмали техника кечалари, техникага бағишланган олимпиядалар, деворий газеталар, лекциялар, суҳбат, конкурс ва ҳокозо)гина техника ижодлиги тўғаракларига ўқувчиларнинг кўплаб жалб қилиши мумкин.

Саволлар:

- 1) Касб таълимида қандай ўқитиш шакллари биласиз ?
- 2) Малакали ишчига бириктириб ўқитиш деганда нимани тушунасиз?
- 3) ўқитишни фронтал, звено, якка-якка, аралаш шаклари қай вақтда қўлланилади ?

Таянч иборалар: ўқитиш шакллари; малакали ишчи; ўқув цехлар.

Касб таълимининг ташкилий шакллари:

Мазкур мавзу юзасидан ДТС ва дастури ўзлаштириш лозим бўлган материаллар:

- 1) Масаланинг концептуал асослари.
- 2) Амалий машғулот (дарс) касб таълими соҳасидаги ишнинг асосий шакли.
- 3) Лаборатория ишларида олиб бориладиган тадқиқотлар ва уларнинг технологиялари.
- 4) Корхонага экскурсияни ташкил қилиш технологияси.
- 5) Касб таълимидаги фронтал, звено ва якка ҳолатдаги шакллари уларни ташкил этиш технологияси.

ДТС ва дастур юзасидан ууддалаши лозим бўлган ишлар:

- 1) Мазкур мавзудаги концептуал асосларнинг шаклланишини маълум моделга келтириб, уни таърифлай олишни.
- 2) Амалий машғулотни олиб бориш технологиясини ишлаб чиқишни.
- 3) Лаборатория ишларида олиб бориладиган тадқиқотлар мақсадини ташкил этилишини ҳамда технологиясини ишлаб чиқишни.
- 4) Корхонага экскурсияни олиб бориладиган технологиясини ишлаб чиқишни.
- 5) Касб таълими тизимидаги дарсларнинг ҳар бир шаклини модел ҳолатига келтириб, уларни асослаш ва таърифини дарс мақсади билан узвийлигини исботланишни.

III. Мазкур мавзуга доир матнлар.

1. Амалий машғулот (дарс) меҳнат таълим соҳасидаги ишнинг асосий шакли;

Касб таълими тизимидаги дарсларнинг ҳар бир шаклини модел ҳолатига келтириб, уларни асослаш ва таърифини дарс мақсади билан узвийлигини исботланишни.

III. Мазкур мавзуга доир матнлар.

1. Амалий машғулот (дарс) меҳнат таълим соҳасидаги ишнинг асосий шакли.

Ташкилий шакл деганда ўқитувчининг қўйиладиган мақсадга эришиши учун ўқувчиларнинг меҳнат ва ўқув ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш усулини тушунмоқ керак.

Касб таълимининг асосий-ташкилий шакли сифатида қуйидагилардан фойдаланиш мумкин.

- 1) Амалий машғулот.
- 2) Амалий лаборатория тадқиқоти.
- 3) Корхонага экскурсия ўтказиш.
- 4) Ўқувчиларнинг машғулот жараёнида 3-4 боладан иборат бўлган ишлаб чиқиш.
- 5) Ўқув цехларида ва махсус ажратилган участкаларда ўқитиш.
- 6) Ўқув-ишлаб чиқиш амалиёти.
- 7) Меҳнат машғулотларини ташкил этишнинг фронтал, звено ва якка ҳолдаги шакллари.

Амалий машғулот жараёнида дастур мавзусининг мазмуни очиб берилган, Касб таълими ва тарбиянинг мақсадлари ва вазифалари амалга оширилади.

Демак, амалий машғулот деганда ўқувчиларнинг ўқув материалини фаол, онгли ва мустақкам ўзлаштирилган мақсадида меҳнат ўқитувчиси раҳбарлигида амалга ошириладиган ҳам жамоа, ҳам якка ҳолда иш турларини ўз ичига оладиган ўқув меҳнат фаолиятини аниқ ташкил этишни тушуниш керак.

Меҳнат соҳасидаги амалий машғулотлар турли хилда бўлиши, яъни янги техник-технологик маълумотларни меҳнат операцияларини ўрганишга, билимларни, меҳнат кўникмалари ва малакаларини мустақкамлашга, назорат-текшириш ишлар, корхоналарга экскурсиялар ўтказиш ва ҳоказоларга бағишланган машғулотлар бўлиши мумкин. Лекин ўқув устахоналарида ўтказиладиган амалий машғулотларнинг турлари хилма-хил бўлишига қарамасдан, уларнинг ҳаммаси қуйидани умумий талабларни қондириш лозим:

1) Машғулотнинг мақсади ҳамда вазифалари аниқ ва равшан ифодаланган бўлиши лозим.

2) Машғулотнинг таркибини дидактик жиҳатдан кетма-кет (билим кўникма, малака, маҳорат) ва ўқув материалининг мазмунига тўлиқ жавоб берадиган бўлиши керак.

3) Амалий ишларнинг объектини тўғри танланиши, ижтимоий фойдали қийматга эга бўлиши ва ўрганиладиган меҳнат операциялари ва усуллариининг талабларига мувофиқ келиши зарур.

4) Машғулотнинг фойдаланиладиган Касб таълими методлари дарс талабларига ва ўқув материалининг мазмунига тўлиқ жавоб бериш лозим.

5) Ўқув устахоналарида машғулотнинг ташкилий-методик тузилиши ўқув ўқувчилар билан жамоа ва якка ҳолда иш олиб боришни назарда тутиш керак

6) Касб таълими бўйича амалий машғулотларда ўтказиладиган таълим ишлари тарбиявий тавсифга эга бўлиши, яъни мактаб ва КХК ўқувчиларида қайта кўриш маънавий сифатларни таркиб топишига ёрдам бериши лозим.

Меҳнат соҳасидаги амалий машғулотлар турларининг хилма-хиллигига қарамасдан, улардаги умумий дидактик элементларни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, булар- ўқувчиларни навбатдаги ўқув материални ўзлаштириш учун жалб қилишга қаратилган машғулотларни уюштириш; ўқувчилар илгариги машғулот ўзлаштирган билимлар, меҳнат кўникмалари ва малакаларининг даражасини текшириш янги материални тушунтириш ва меҳнат операцияларини ҳамда амалий ишларни бажариш вақтида ва меҳнатида усуллари кўрсатиб бериш; ўқувчиларнинг янги мавзуга оид операциялари ва ишларни бажариш вақтида уларнинг билими, меҳнат усуллари даражасини аниқлаш; меҳнат усуллари машқлари билан мустаҳкамлаш ва уларни дастлабки меҳнат кўникмалари даражасига етказиш. Бунда меҳнат ўқитувчисининг пухта назорат қилишга эришиш; амалий топшириқнинг мустақил бажарилиши ва ўтган машғулотнинг натижаларига яқин яшашдан иборат.

Юқорида санаб ўтилган элементлар амалий машғулотнинг таркибини ташкил этади. Шундай қилиб, амалий машғулот таркиби деганда дидактик элементларнинг қатъий изчиллиги ва ўзаро боғланишидаги нисбатни тушиниш керак, улар эса машғулот мақсадлари ва ўқув материалларининг мазмуни тақозо қилади.

2.4. Дарсдан ташқари ишларда амалий машғулотлар ўтказиш методи

Умумтаълим фанларини ўқитиш методлари ҳаммаси учун бир хил бўла олмайди. Техникавий *Касб таълими* ва Касб таълими амалиётлари ўқув дастурларида ўқитишнинг 75% амалий ишни ташкил қилиши кўрсатилган.

Ўқув устахоналаридан тўғри ва унумли фойдаланиш уларда ўтказиладиган амалий машғулотларнинг тўғри ташкил этилишига боғлиқ. Амалий машғулотлар ўқувчиларнинг дурадгорлик, чилангарлик ва бошқа ўқув устахоналарида ўқитувчи раҳбарлигида бажарадиган мустақил меҳнат фаолиятидир.

Ўқитувчи амалий машғулотлар вақтида ўқувчиларни устахоналарга шундай тақсимлаши керакки, улар бемалол ишлай олсинлар. Ҳар бир амалий машғулотда ўқувчи ўзи учун белгиланган иш ўрнида амалий иш бажаради. Амалий машғулотда ўқувчилар сони у 11-24 тагача бўлиши мумкин. Ўқувчилар сони 25 дан ошса, амалий машғулот уларни икки гуруҳга 12 ёки 13 тадан бўлиб ўтказилади.

Одатда амалий машғулотлар қуйидаги умумий структура бўйича олиб борилади.

1. Техник касб таълими ўқитувчиси томонидан машғулотнинг мазмуни, иш формаси ҳақида тушунча берилади.

2. Дастлабки иш намуналари кўрсатилади.
3. Ўқувчиларнинг дастлабки тажриба машқлари бажарилади.
4. Машғулот топшириқларини бажаришга киришилади.
5. Ўқитувчининг умумий кузатиш ва назорати олиб борилади.
6. Машғулотга якун ясалади.

Юқоридаги амалий машғулотлар структураси ҳамма вақт тўғри келавермайди. Дарснинг мазмунига қараб ўқувчилар учун амалий машғулот ташкил этилса, анча тўғри бўлади.

Амалий машғулот методи ўқувчиларни ишга одатлантиради, келажак ишлаб чиқариш меҳнатига ўргатади, уларни касб танлашга йўналтиради.

Амалий машғулот охирида ўқитувчи ўқувчиларнинг бажарган ишларини якунлайди, машғулот олиб боришдаги ютуқ-камчиликлар ҳақида, шунингдек, келгусида яна ҳам яхшироқ ишлаш учун нималар қилиш кераклигини айтиб ўтади. Ўқувчиларнинг ишлари йиғиб олинади ва ҳар қайси ўқувчининг иши алоҳида баҳоланади.

Ўқувчиларнинг ўқув устахоналарида ясаган буюмларнинг яхшилари намуна тариқасида кўргазмага қўйилади.

Дарсдан ташқари машғулотларда амалий машғулот бажариш бўйича

МЕТОДИК ИШЛАНМА

Дарс мавзуси. Електр лампа, штепсел розетки, патрон ва вилканинг тузилиши ҳамда уларни монтаж қилиш.

Дарснинг мақсади: 1) електр лампа, штепсел розетки, патрон ва вилканинг тузилишини ҳамда монтаж қилинишини ўқувчиларга ўргатиш; 2) ўқувчилар билан амалий иш ўтказиш.

Дарсни ўтиш жойи. Ўқув устахонаси ёки электротехника кабинети.

Дарснинг тури. Янги билим бериш, амалий иш.

Дарсга керакли асбоблар ва мосламалар: штепсел розетки, вилка, патрон, отвёртка, шуруплар, симлар, изолясион тасма, индикатор ва шуларга ўхшашлар.

Дарснинг тузилиши


1. Ташкилий қисм – 5 дақиқа
 2. Янги мавзунинг мазмунини тушунтириш – 25 дақиқа
 3. Амалий иш бажариш (монтаж қилиш) – 35 дақиқа
 4. Уйга вазифа топшириш – 5 дақиқа
 5. Ўқувчиларни баҳолаш, устахонани йиғиштириш – 10 дақиқа
- Жами: 80 дақиқа

Дарснинг мазмуни

Електр лампа ва унинг тузилишини ўрганиш. Електр лампа одамлар яшайдиган ва меҳнат қиладиган жойларни ёритади.


Електр лампанинг волфрам сими орқали ток ўтганида у чўғланади. Натижада сим ёруғлик нурлари соча бошлайди ва керакли жойларни

ёритишга хизмат қилади. Електр лампанинг тузилиши ва унинг қисмлари 1-расмда кўрсатилган.




1-расм. Електр лампа ва унинг тузилиши


Шишали баллон 1 да волфрам сим 2 ва ток ўтказгич 3 жойлаштирилган. Волфрам сим ўтказгичларнинг учларига маҳкамланган. Шиша баллонга оёқча 4 қавшарланиб, у соколга маҳкамланган. Сокол 5 резба чиқарилган қисмдан иборат, унда изолятор 6 ва марказий контакт 7 бор. Ток ўтказгичнинг биттиси соколнинг резбали қисмига, иккинчиси марказий контакт 7 га уланган.




2-расм. Люменессент лампа.




**3-расм. Електр патрон лампаси
билан:**
1-винт, 2-контакт, 3-ички винт, 4-
контакт



4-расм. Штепсел розетки



**1-расм. Електр
вилкасининг
тузилиши**



**2-расм. Патронни
йиғиш: 1,3 –
контактлар, 2 – корпус**

Ёритиш мақсадида 2-расмда кўрсатилган люменесцент лампалардан ҳам фойдаланилади. Булар кундузги ёриткичлар деб ҳам аталади.

Електр лампалар 110, 127 ва 220 вольт кучланиш билан ишлайди. Қуввати еса 15 ваттдан то 1000 ваттгача бўлади.

Люменесцент лампалар 127 вольт билан ишлайдиган бўлса, 15 ва 20 ватт қилиб, 220 вольт билан ишлайдиган бўлса 30, 80, 125 ваттли қилиб чиқарилади.

Лампани ўрнатишга электр патрони хизмат қилади (7-расм).

Манбага энергия исте'молчисини улаш учун розетка ва вилка хизмат қилади. Штепсел розеткасининг тузилиши 4-расмда кўрсатилган.

1-расмда вилканинг тузилиши кўрсатилган. Контактлар 3 га винтлар 4 ёрдамида исте'молчидан келадиган иккита ўтказгич 5 уланади. Бу контактлар қопқоқ 2 га кириб туради. Қопқоқ корпус 6 га қўйилади ва винтлар 1 билан маҳкамланади.

Амалий иш

Асбоб ва материаллар: отвёртка, ясси жағлиомбур, 36 вольтли ток манбаи, электр ёритувчи асбоблар набори: патрон, лампа, симлар.

Патронни йиғиш: 1. Узунлиги 110 мм ли 2 та ўтказгич олиб, уни 1 ва 8 контактларга винтлар ёрдамида улаш, сўнгра патроннинг қалпоғини корпусга бураб маҳкамлаш (2-расм).

2.5. Тажриба синов ишларини ташкил этиш ва унинг таҳлили

Тажриба-синов ишлари Тошкент транспорт КХК ўқувчилари ўртасида олиб борилди. Ўқувчиларнинг дарсдан ташқари машғулотларни ташкил этиш орқали ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришда педагогик-технологиянинг механизмларига амал қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш кераклиги аниқланди.

Ўқувчиларни дарсдан ташқари машғулотларни ташкил этишга оид билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришнинг ҳар хил оғзаки, ёзма, ижодий ва техник масалаларини ечишда орттирган тажрибалари таълим-тарбиянинг ҳал қилувчи омили эканлиги аниқланди.

Ўрганиш жараёнида кузатиш, ёзма ва оғзаки сўровлар, гуруҳ ва якка тарздаги суҳбат, таҳлил, синтез, интерфаол методлар ва педагогик технология воситаларидан кенг фойдаланилади.

Демак, тажриба –синов ишларини ўтказиш жараёнида тажриба гуруҳи қилиб белгиланган ўқувчилар билан тажриба ишлари олиб борилди.

Тажриба-синов ишлари ва уларнинг натижалари.

Тажриб-синов жараёнида ўқувчилар билимини баҳолаш 100 баллик рейтинг тизими асосида баҳоланди. Балл тизими асосида баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган мезонлар асосида талабаларнинг жавоблари балл бўйича баҳоланди.

Тушунчаларга талабаларнинг берган жавоблари тадқиқод бошида олинган жавобда тажриба гуруҳида юқори балл 39% кўрсатди, назорат гуҳида эса 30% кўрсатди, тадқиқод охирида тажриба гуруҳида 52% юқори балл, назорат гуруҳида 39% юқори балл йиғишди. Шу тарзда берилган тушунчалар (тушунчалар илова қилинди жадвал-1) бўйича олинган маълумотлар тўпланди ва жавоблар асосида тайёрлаб берилди.

Тажриба босқичи ва ўқув йили	таълим му-а	Ўзлаштириш даражаси	Тажриба гуруҳларида		Назорат гуруҳларида	
			Тажриба бошида	Тажриба охирида	Тажриба бошида	Тажриба охирида
2013-2014 ўқув йили	Тошкент транспорт КХК	Энг юқори (аъло)	5(25%)	8(40%)	3 (15%)	4 (20%)
		Юқори (яхши)	8(40%)	6(30%)	8 (40%)	10 (50%)
		Ўрта (қониқарли)	7(35%)	6(30%)	9 (45%)	6 (30%)

Жадвалдан кўриниб турибдики, тадқиқот якунида тажриба ва назорат гуруҳида олинган жавоблар нисбати ижобий томонга ўсди.

III. БОБ. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ ҚИСМИ

3.1. Тўғарак машғулотларига қўйиладиган хавфсизлик талаблари

Хавфсизлик техникаси-хавфли ишлаб чиқариш акторларининг, яъни хавфсизлик қоидалари бузилганда бахтсиз ҳодисалар, шикастланишлар келтириб чиқарадиган факторларнинг инсонга таъсир этишининг олдини оладиган ташкилий ва техникавий тадбирлар системасидир.

Ишлаб чиқариш санитарияси-хавфли ишлаб чиқариш факторларининг, яъни касалликлар келтириб чиқарадиган факторларнинг ишловчиларга таъсирининг олдини оладиган ташкилий ва санитария-гигиена, техникавий тадбирлар ҳамда воситалар системасидир.

Меҳнат муҳофазаси билан ёнғин хавфсизлиги ва яшиндан ҳимоя қилиш чамбарчас боғлиқдир, чунки ишлаб чиқаришда ва турмушда юз берадиган ёнғинлар ва момақалдироқ разрядлари фақат моддий бойликларга эмас, балки кишилар ҳаётига ҳам хавф туғдиради.

6 ёшгача бўлган ўсмирларни юқори кучланишни узиб қўймасдан туриб электро установкаларда ишлашга, механизациялаштирилган асбоб-ускуналар билан, нитробўёқлар ва нитроэлементлар, симобли қурилмаларни ремонт қилиш ишларига қўйиш мумкин эмас.

Мазкур қоидалар Ўзбекистон Республикаси “Меҳнат муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил июлдаги 67-сонли қарори асосида ишлаб чиқилган ва умумий ўрта таълим муассасаларида (кейинги матнларда мактаб деб юритилади) ўқув ва ўқув ишлаб чиқариш устахоналарида меҳнат муҳофазасини белгилайди.

Мактабдаги ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарида ўқувчиларининг Касб таълими билан шуғулланувчи маъмурий-педагогик ҳамда техник ходимлари амалда бўлган меҳнат муҳофазаси қоидаларини пухта ўрганиши, шунингдек ўз амалий фаолиятларида уларга қатъий амал қилишлари лозим.

Касб таълими ўқитувчилари ўқувчиларни ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарида мавжуд бўлган ускуналар билан тўхри ва хавфсиз ишлашга ўргатиши, қоидаларнинг тўғри бажарилишини назорат қилишлари лозим.

Касб таълими ўқитувчилари ўқувчиларни ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарида мавжуд бўлган ускуналар билан тўғри ва хавфсиз ишлашга ўргатиши, қоидаларнинг тўғри бажарилишини назорат қилишлари лозим.

Мактаб ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари, ўқув-тажриба майдончаларида хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидаларига амал қилиш ўқувчиларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилишга мактаб директори, бу ишга бевосита раҳбарлик қилувчи ўқитувчи, ишлаб чиқариш амалиётини ўташда корхона, қурилиш, қишлоқ хўжалик корхона раҳбарлари ва ишлаб чиқариш таълимига масъул бўлган шахслар жавобгар бўлади.

Ўқувчиларнинг ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарида ишлаши, шунингдек, ишлаб чиқаришда амалиёт ўташдаги иш тартиби ўқувчиларни тайёрлашга оид амалдаги қонунчилик асосида тузилган ўқув режаларига асосан белгиланади.

Ўқувчиларга нисбатан ўсмирлар меҳнат муҳофазаси ишлаб чиқариш санитарияси ва вояга етмаганлар меҳнатини химоя қилишга оид қонунчиликда белгиланган барча қоидалар амалда бўлади.

Ўқувчилар учун иш ўринлари фақат алоҳида ажратилган жойларда мазкур қоидаларда қайд этилган меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси қоидалари, ишлаб чиқариш санитарияси талабларига қатъий амал қилган ҳолда ташкил этилади.

Ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарида ўқувчилар таълими ва ишини ташкил қилиш, мазкур қоидаларнинг барча талаблари бажарилган ҳолдагина рухсат этилади.

Мақтаб ўқув устахонасида машғулоти ўтказилишига рухсатнома ўқув йили бошланишидан илгари туман ҳокимияти, халқ таълими бўлими, санитария эпидемиология хизмати ва қасаба уюшма қўмитаси вакиллари билан иборат ишчи гуруҳ томонидан берилади.

Рухсатнома-далолатнома берилиши -иловадаги шаклга мувофиқ расмийлаштирилади.

3.2. Амалий машғулотларни ташкил этишда меҳнат гигиенаси ва ишлаб чиқариш санитарияси

Амалий машғулотларни ташкил этишда меҳнат гигиенаси - медицина фани инсоннинг ишлаб чиқариш шароитидаги меҳнат фаолиятини-ўрганувчи бир қисми. Ишлаб чиқариш зарарли факторларининг ишловчиларга кўрсатадиган таъсирининг олдини олиш юзасидан санитария-гигиена ва даволаш олдини олиш тадбирлари ишлаб чиқилади. Амалий машғулотларни ишлаб чиқариш санитарияси саноат корхоналарини асраш қоидалари, технологик жараёнларни ташкил этиш ва жиҳозларни ўрнатиш қоидаларини ишлаб чиқади; ташқи муҳит физик факторларининг ва иш хоналари ҳавоси таркибидаги химиявий моддаларнинг рухсат этилган параметрларини белгилайди.

Йўриқнома ўтказишдан мақсад ишчиларни берилган корхонанинг ўзига хос хусусиятлари (хавфсизлик талаблари бузилганда содир бўладиган потенсиал хавфли факторлар ҳам шунга киради); меҳнат хавфсизлигига оид асосий тадбирлар ва йўриқномадан ўтувчи ишчининг бажариши зарур бўлган вазифалари; меҳнат гигиенаси ва ёнги хавфсизлиги нормалари ҳамда қоидалари билан таништиришдан иборат. Катта корхоналарда кириш йўриқномаини хавфсизлик техникаси бўйича инженер-методист, санитария врачлари ва ёнги хавфсизлиги бўйича мутахассис ўтказади. Бу йўриқнома одатда, тегишли кўрсатма қўлланмалар; макетлар, стендлар, жиҳозлар ва ҳоказолар билан жиҳозланган меҳнат муҳофазаси ўқув-методика ҳонаида ўтказилади.

Кириш йўриқномаи бўлимларининг ҳар бири (хавфсизлик техникаси, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнғин хавфсизлиги) корхона бош инженери тасдиқлаган махсус ишлаб чиқилган методик дастурлар бўйича ўтказилади. Одатда, хавфсизлик техникаси бўйича кириш йўриқномаи дастурида хотинқизлар ва ўсмирлар меҳнати ҳақидаги қонунлар; маъмуриятнинг соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратиши бўйича вазифалари; меҳнаткашларнинг меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича инструксиялари ҳамда кўрсатмаларига қатъи риоя қилишга оид вазифалари; хавфли ва зарарли факторлардан сақланишнинг асосий усуллари ва техник воситалари; рангли сигналлар ва хавфсизлик белгилари тизими, индивидуал ҳимоя воситалари, хавфли ва зарарли факторлардан сақланишда уларнинг роли ҳамда ана шу ҳимоя воситаларини бепул бериш тартиби кўзда тутилади. Ишлаб чиқариш санитарияси бўйича йўриқнома дастурида ишлаб чиқариш муҳити ва асосий зарарли факторлар ҳамда уларнинг иши организмга салбий таъсири шароитларини ойдинлаштириш; зарарли факторларни санитария-гигиена жиҳатидан нормалашнинг профилактик ролини ёритиш, ҳаво муҳитини белгиланган нормада сақлашда вентиляция техникасининг рўли; толиқишликни камайтириш, меҳнат унумдорлигини оширишда кўриш қобилиятини асраш учун ратсионал ёритишнинг рўли; шовқин, вибрация ҳамда профилактик чора-тадбирларнинг йўл қўйилган даражаси; меҳнат ва дам олиш режими; ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар рўй берганда ва касал бўлиб қолганда зарарланганга биринчи ёрдам кўрсатиш назарда тутилади. Ёнғин хавфсизлиги бўйича йўриқноманинг методик дастури ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва типавий дастурга мувофиқ тузилади. Мазкур дастурда одатда қуйдаги масалалар акс эттирилади: ёнғин чиқиш сабаблари ва ёнғин хавфсизлиги умумий қоидалари; айти корхонадаги ёнғин чиқиши жиҳатидан хавфли бўлган ишлаб чиқариш участкалари ва бу участкаларда ишларни бажаришда эҳтиёткорлик чоралари; ёнғинни ўчириш ва алоқа воситалари; ёнғин чиққан тақдирда амалий ишлар. Бевосита раҳбар ходимлар - участка мастери, энергетик, механик ва бошқаларга иш ўрнида йўриқнома ўтказилади.

Иш ўрнида дастлабки йўриқнома корхонага (ташкilotга) янги қабул қилинган барча хизматчилар, корхонанинг бир қисмидан иккинчи қисмига ўтказилган, командировка қилинган ишчи-хизматчилар, ишлаб чиқариш таълими олишга ёки амалиётга келган ўқувчи ва талабалар, шунингдек айти ишни биринчи марта бажараётган ишчиларга ўтказилади. Йўриқнома ўтказилаётганда йўриқнома ўтказилаётган кишининг эътибори технологик жараён бажарилаётганда хавф содир бўлиши мумкинлигига; жиҳозларнинг хавфли зоналарига, ҳимоя қурилмаларига ва улардан фойдаланиш қоидаларига; иш бошлаш олдидан ишга тушириш жиҳозлари, мосламалар, турли блокировкалар, ерга улаш қурилмалари ва ҳоказоларнинг тузуклиги ҳамда нормал ишлашига ишонч ҳосил қилиш зарурлигига қаратилади. Йўриқнома ўтаётган кишига иш ўрнини ратсионал ташкил этиш; материаллар, тайёр буюмларнинг хавфсиз жойлаштиришининг муҳимлиги ва зарурлиги тушунтирилади; иш ўрни, ўтиш йўллари ва транспорт юрадиган

йўлларнинг ифлосланиши ҳамда ивирсишига йўл қўйиб бўлмаслигига; транспорт воситалари ва юк кўтариш механизмларини ишлатиш қоидалари ҳамда усулларига; гуруҳли бажариладиган ишни хавфсиз амалга ошириш приомлари ва методларига эътибор берилади. Дастлабки йўриқномадан ўтаётган ҳар бир ишчи соғлиги учун зарарли бўлган портловчи ва зарарли материаллар билан ишлаш ҳамда ишловчиларнинг сеҳларда ўзларини тутиш қоидалари билан танишган бўлиши даркор.

Иш ўрнида йўриқнома ўтказиш корхона бош инженери тасдиқлаган айти касб учун меҳнат муҳофазасига ёд инструкторияга мувофиқ ишни хавфсиз бажариш усуллари ва приомларини кўрсатиб шу иш ўрнида ўтказилади. Иш ўрнида дастлабки йўриқнома ўтказилгандан ва йўриқнома ўтказиладиган киши эгаллаган билимлари текширилгандан кейин айти касибга оид ишларнинг хавфсиз бажарилишига доир инструктория ишчига берилади. Баъзан бундай инструктория иш ўрнига осиб қўйилади. Такрорий йўриқнома барча ишчи-хизматчиларга иш ўрнида ҳар бир касб учун хавфсизлик техникаси инструкториясига мувофиқ қоидаларда белгиланган муддатларда, ишларнинг мураккаблиги ва хавф даражасига қараб юқоридаги методика бўйича ўтказилади. Пландан ташқари йўриқнома иш ўрнида меҳнат муҳофазаси қоидалари ўзгатирилганда; технологик жараён ўзгартирилганда, жиҳозлар, мосламалар ва асбоблар, дастлабки ҳом ашё, материаллар ҳамда меҳнат хавфсизлигига таъсир этувчи бошқа факторлар алмаштирилганда ёки модернизатсия қилинганда; ишчи-хизматчилар меҳнат хавфсизлиги қоидаларини бузган (бу қоидаларнинг бузулиши шикастланиш, авария, портлаш ёки ёнғинга сабаб бўлади) ҳолларда, шунингдек ишда танаффус вақтида ўтказилади. Жорий йўриқнома ишчиларга иш бошлашдан олдин ўтказилади ва уларга наряд-допуск расмийлаштирилади. Бу йўриқноманинг ўтказилганлиги наряд-допусқа қайд қилинади. Кириш йўриқноманинг ўтказилганлиги кириш йўриқномаи рўйхати ўринларига (йўриқнома шахсий карточкасига), иш ўрнида ўтказилган йўриқнома эса иш ўрнида ўтказиладиган йўриқнома рўйхати журналига (йўриқнома шахсий карточкасига) ёзиб борилади. Корхонага ишга кирувчи шахслар кўрсатилган йўриқномалар (ки- риш йўриқномаи ва иш ўрнида ўтказиладиган дастлабки йўриқнома) ўтказилмасдан ва расмийлаштирил-масдан туриб ишга қўйилмайди. КХК ўқувчилари жуда хавфли иш участкаларига юбориладиган шахслар (монтёрлар, завод ичидаги транспорт ҳайдовчилари, баланда ёки йер остида ишлайдиган ва бошқа баъзи шахслар) юқорида айтиб ўтилган йўриқнома турларидан ташқари маҳсус дастурларга мувофиқ албатта меҳнатни хавфсиз бажаришни ўрганишларини ва тегишли ишларни бажариш ҳуқуқига эга бўлиш учун имтиҳон топширишларини билишлари керак.

ХУЛОСА

Ёшларда тўғарак машғулотларини замонавий усулларда ташкил этиш, уларнинг бадиий-эстетик дидларнинг такомиллашишига шароит яратиш ҳамда машғулотлар давомида олган билим ва малакаларини мустақил равишда баҳолаш учун “Блиц сўров” усулидан; “Мантикий фикрлаш”, “Ичидан кераклисини танлаб олиш” билан “Ўз фикрини сингдириш” уни “Ўтказа олиш ва уни ҳурмат қилиш” усулларини қўллайди; Слайдлар, видео, мульти видео ва бошқа технологиялардан фойдаланиш.

Дарсдан ташқари машғулотларнинг асосий мақсади ўқувчи-ёшларнинг қобилияти, истеъдодини ривожлантириш, билим олишга ва юксак маънавиятли шахс сифатида шакллантиришга тўлиқ сафарбар этиш ҳамда уларни ҳар томонлама ҳаётга тайёрлаш, мамлакатимизда демократик ва иқтисодий тараққиётимизнинг тақдирини ҳал эта оладиган юксак маънавиятли, дунёдаги глобал ўзгариш ва ривожланишлар даражасида фикрлай оладиган, мутасаддилик ва касбий маҳорати шаклланган олий маълумотли, юқори малакали кадрлар тайёрлаш учун ижодкор истеъдодли ёшларнинг илмий-ижодий салоҳиятини ошириш, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни ривожлантириш ва ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда уларнинг амалий-ижодий қизиқишларини қўллаб-қувватлашдир.

Бу борадаги тадбирларни амалга оширишдаги муҳим вазифалардан бири педагогик маҳоратни узлуксиз равишда тизимли такомиллаштириб боришдан иборат.

Таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ўқувчиларнинг замонавий технологиялар даражасида билим олишларини таъминлашга қаратилган бўлиб, бу муҳим вазифани бажаришда илғор тажрибаларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Дарс жараёнида турли вазиятларга тушиб қолмаслик ва ўз меҳнат фаолиятимиз орқали, шу соҳага қўйилган талаб даражасида жамиятга фойда келтиришга бор куч ғайратимизни сарфлаймиз.

“КХКларда дарсдан ташқари машғулотларни ташкил этиш технологияси” мавзусида ёзилган БМИ КХК ўқувчиларини дарсдан ташқари машғулотларга жалб қилиш, ўқувчиларни турли хил тўғаракларга, хусусан машинасозлик йўналишидаги ўқувчиларни техник тўғаракларга қизиқтириш, тўғарак машғулотларини тўғри ва сифатли ташкил этиш ва шунинг билан бир қаторда машғулотларни юқори савияда, замонавий педагогик технологиялар ёрдамида олиб бориш ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларим ва хулосаларимни баён қилдим. Педагогик амалиёт даврида менга бириктирилган гуруҳда дарсдан ташқари машғулотлар ўтказдим. Тўғарак иш режалари, тақвим мавзуий режаси, тўғаракка қатнашувчи талабаларнинг маълумотларини ва бошқа меъёрий ҳужжатларни тайёрлашни ўргандим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси
2. Каримов.И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”.Т.: “Ўзбекистон”, 2009 йил. – 56 б.
3. Каримов.И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: «Маънавият», 2008.
4. Каримов И.А. “Баркамол авлод орзуси” Тошкент “Шарқ” 1999 йил.
5. Каримов И.А. “Ўзбекистон ХХИ асрга интилмоқда”, Тошкент Ўзбекистон” 1999 йил.
6. “Баркамол авлод -Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”. -Т.: Шарқ, 1997.
7. Газиёв Э.Г. “Касбий психология”. –Т.: Фан, 2005.
8. Муслимов Н.А. “Бўлажак касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантириш”. -Т.: Фан нашриёти, 2004.
9. Нишоналиев У.Н., Усмонов С.А. “Ўқитишнинг техник воситаларини таълимда қўллаш муаммолари”. “Замонавий илм-фан ва технологияларнинг энг муҳим муаммолари” Республика илмий-амалий анжумани (14-15 май, 2004 й.) материаллари.Жиззах,ЖизПИ.2004 йил.
- 10.Муслимов Н.А. “Касбий таълим истиқболи”. Ж. Педагогик таълим. 2002. -№4.
- 11.Давлетшин М.Г. “Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси”. –Т.: Ўзбекистон, 1999.
- 12.Давлатов К.Д. ва бошқ. “Меҳнат ва касб таълими назарияси ҳамда методикаси”. —Т.: Ўқитувчи, 1992.
- 13.Пармонов А.Э., Игамбердиев А. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. -Т.: Иқтисод-молия, 2008.-196 б.
- 14.Юлдошев А.Ю., Усмонов А.И. Конструкция материаллар технологиясидан лаборатория ишлари.- Т.: «Ўқитувчи» 1991.-86 б.
- 15.“Узлуксиз таълим тизимида ўқитувчиларни касбий-педагогик компетенлигини ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари” Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Тошкент – 2013 йил.

Ингизча-ўзбекча луғат

1. Таълим – education
2. Ўқитувчи – teacher
3. Тажриба – experience
4. Усул- way
5. Синов – experiment
6. Объект - object
7. Субъект - subject
8. Методика – methods
9. Инновацион – innovation
10. Фаолият – activity
11. Илмий – scientific
12. Тадқиқот – research
13. Ҳунар – tradi
14. Коллеж – collage
15. Метод – method
16. Мактаб – school
17. Натижа – result
18. Факультет - faculty
19. Муаммоли вазият – problem teaching
20. Педагог фаолияти – pedagogical
21. Мавзу – subject
22. Педагог- pedajokal
23. Мехнат – lab our
24. Тарбия - upbringing
25. Ижод - works
26. Иқтидорли - powerful
27. Жараён – process
28. Мақсад - aim
29. Таълим техналогияси – educational
30. Хулоса – conclusion, summary
31. Маданий – cultural
32. Ижтимоий – social

33. Босқич – stage, level
34. Иқтисодий – economic
35. Натижа – result
36. Тажриба – experience
37. Адабиёт – literature
38. Назария – theory, doctrine
39. Ўзлаштириш – progress
40. Олий таълим – higher
41. Педагогика – pedagogical
42. Сиёсий – political
43. Рахбар – leader
44. Талаба – student
45. Техналогия – technological
46. Мунозара – discussion
47. Муаммоли ўқитиш – problem teaching
48. Компютер – computer
49. Касб – craft
50. Ижод – works